

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING  
ҚАРОРИ

## **256 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг низоми ва тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 18 мартдаги ПФ–4295-сон Фармониغا мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат маслаҳатчиси И. Абдуллаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 27 май,  
ПҚ–1539-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2011 йил 27 майдаги  
ПҚ–1539-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим  
қарорларига киритиладиган ўзгартишлар**

### **[Кўчирма]**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ–460-сон қарори 3-банди иккинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат масалалари ҳамда ташкилий-назорат масалалари бўйича Давлат маслаҳатчилари билан келишилган ҳолда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг ижтимоий-иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш хизмати ва Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишилган ҳолда» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси тизими ҳудудий бўлинмалари раҳбарларини тайинлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2009 йил

7 сентябрдаги ПҚ–1190-сон қарори 1-банди иккинчи хатбошида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ташкилий-назорат хизматининг раҳбари билан келишилган ҳолда» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ташкилий-кадрлар хизмати билан келишилган ҳолда» сўзлари билан алмаштирилсин.